Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2014-yil 23-sentabr, seshanba № 118 (3467)

Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина куч-га кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати



Билимдан қудратлироқ куч йўқ. Билимдон киши енгилмасдир. Мамлакатимизда ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши, билим олиши йўлида яратилаётган қулайликлар айнан ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилаётир.

ФАОЛЛИК МЕВАСИ

Коллежимизда 640 нафар йигит-қиз касб-ҳунар сирларини эгаллаётир. Ўқув йилининг илк кунларида Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган «Уч авлод учрашуви» ташкил этилганди. Айни дамда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Устозларга эҳтиром» номли маданий-маърифий тадбирга ҳозирлик кўраяпмиз. Ўқитувчи ва мураббийлар касб байрами олдидан бўлиб ўтадиган кечада ҳамкасбларимиз Матлуба Жўраева, Эътибор Жумаевалар таваллудининг 50 йиллиги ҳам нишонланади. Бундан ташқари, ушбу даргоҳда ишлаб, нафақага чиққан ўқитувчиларга алоҳида эҳтиром кўрсатишни назарда тутганмиз.

Бундай тадбирлар шаҳримиздаги тиббиёт ва саноат коллежларида ҳам режалаштирилган. Муассасаларнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси етакчилари билан тажриба алмашувимиз ўз самарасини бераётир. Кенгаш раиси Хосият Бердиева яқинда коллежимизда бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида мўлжалланаётган «Сиз конституцияни биласизми?» тадбирининг сценарийсини тавсия этди.

Ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини оширишда тўгараклар ва оммавий тадбирларнинг ўрни бениҳоя катта эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Баркамол авлодни мустақил фикрлашга ундовчи бундай тадбирларни янада кўпайтириш ниятидамиз.

Марҳабо ҚОЗОҚОВА,
Зарафшон компютер технологиялари коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

Корхона — коллеж ҳамкорлиги

Вилоятимизда 75 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 4 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Битирувчиларнинг доимий иш ўрнига эга бўлишини таъминлашда «корхона-коллеж» ҳамкорлиги қўл келаяпти.

МУКАММАЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

Жиззах педагогика коллежини ўтган ўқув йилида тўртта йўналиш бўйича 439 нафар ўқувчи тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олди.

Айтиш жоизки, коллежимиздаги барча ўқув-лаборатория хоналари замон талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, ўқувчиларнинг чуқур билим олишига барча имконият яратилган.

Иш берувчиларни коллежга бириктириш тажрибасига амал қилиниб, «корхона-коллеж» ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда.

Бўлажак битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Жорий ўқув йилида иккинчи босқичда таълим-тарбия олаётган 392 нафар ўқувчи педагогик амалиётни шаҳримиздаги 30-, 16-, 19-, 25-,10-умумтаълим мактабларида, «Ғунча», «Дўстлик» каби МТМларда ўташаяпти. Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти бу борада бизга яқиндан кўмакдош бўлаётир.

Амалиёт ўтовчи ўқувчилар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқарилган ва тарқатилган.

— Ишлаб чиқариш амалиёти биз учун катта синов, — дейди жисмоний тарбия йўналиши иккинчи босқич ўқувчиси Санъат Маматқулов. — Ундан муваффақиятли ўтганимиздагина ҳаётда ўз ўрнимизни топишга эришамиз.

Ўқувчи ҳақ. Амалиёт пишиқ-пухта ўтгандагина ўқувчи билим масканида олган назарий билимини ҳаёт кўникмаларига тез ва мукаммал жорий этиши мумкин.

Комилжон АШУРОВ,
Жиззах педагогика коллежининг касбий таълим бўйича директор ўринбосари

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Муқаддас Бахшуллаева Вобкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 2-курс ўқувчиси. Бўлажак банк ходими. Машғулотларда фаол қатнашади. Дарсдан бўш пайтларини тенгдошлари қатори коллежда ташкил этилган фан ва спорт тўгаракларида ўтказади. Айниқса, компютер саводхонлиги ҳамда она тили ва адабиёти тўгараклари уни ўзига ром этган.

Куни кеча коллежда бўлиб ўтган «Бу заминда азиздир Устоз!» деб аталган маънавий-маърифий кечада фахрий устозлар, маҳалла фаоллари, шунингдек, коллеж ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди.

Коллеж директори Олим Боқоев йиғилганларни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан қутлар экан, мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, ёшларнинг истиқболи учун кўрсатилаётган ғамхўрликларга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, қишлоқ ёшларининг изланишлари, фан, касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллаётганлиги, ўғил-қизларимизнинг спортда эришаётган муваффақиятларидан мамнуният ҳосил қилганига урғу бериб ўтди.

Ўқувчилар ижросидаги куй-қўшиқларга ҳаваскорларнинг шеърлари уланиб кетди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Хизмат сафари билан Қўшкўпир туманидаги «Фоиз» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрганимизда, тикув дастгоҳлари ёнида бир-биридан латофатли ва чаққон қизларни учратдик. Суҳбат асноси улар тумандаги транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчилари эканлигини билдик.

ҲУНАР — ҲУНАРДАН УНАР



ЎзА суврати

— Болалигимдан чеварликка қизиқаман, — дейди тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси йўналиши ўқувчиси Гўзал Саидова. — Шу боис мактабни тамомлаб, транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежига ўқишга келдим. Устозларимдан тикувчилик, дизайнерлик сирларини пухта ўргандим. Мана энди амалиёт жараёнида билимларимни синовдан ўтказаяпман.

Гўзалхон ва унинг дугоналари «Фоиз» хусусий корхонасида амалиёт ўташ учун барча шароит етарли эканлигини таъкидлашди.

— Кейинги йилларда туманимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар натижасида бир қатор тикувчилик цехлари, йирик корхоналар иш бошлади. Уларда хотин-қизларимиз бир-биридан бежирим либослар тикишмоқда. Биз каби коллеж ўқувчилари учун бу айни муддао. Ўқишни тамомлагач, иш излаб овора бўлмаймиз. Хоҳласак, ана шундай корхоналардан бирига ишга кирамиз. Хоҳласак, имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесимизни йўлга қўямиз.

— Коллежимизда 270 нафар учинчи босқич ўқувчилари таҳсил олади. Улар танлаган йўналишлари бўйича эгаллаган билимларини синовдан ўтказиши, амалиёт жараёнларида мустаҳкамлаши учун корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзоладик. Амалиёт жараёнлари устозлар томонидан назорат қилиб борилмоқда. Коллеж бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан ўқувчилар амалиёт ўтаётган корхона ва ташкилот бошланғич касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда ўқувчиларга меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси юзасидан суҳбатлар ташкил қилинди. Кейинги йилларда касаба уюшмалари ташаббуси билан амалиёт ўтаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган истеъдодли, билимли ўқувчиларга энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий кўмак берилаётганлиги айни муддао бўлди, — дейди коллеж директори Эгамберган Авезов.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Муҳаббат Жуманиёзова бизни бир гуруҳ ўқувчилар амалиёт ўтаётган «Ихтиро» автомобилларга техник хизмат кўрсатиш хусусий корхонасига бошлади. Йўл-йўлакай, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маънавий дунёқарашини бойитиш мақсадида кўплаб тадбирлар уюштирилаётганлиги ҳақида гапириб берди.

Манзилга етиб келгач, ўқувчиларни автомобилларни таъмирдан чиқаришга кўмаклашаётган ҳолатда учратдик.

— Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил оламан, — дейди коллеж ўқувчиси Шихназар Машарипов. — Ушбу ҳунарни танлаганим бежиз эмас. Президентимизнинг Хоразм вилоятига 2012 йилдаги ташрифидан сўнг воҳа ўлкан бунёдкорлик майдонига айланди. Жумладан, бизнинг Қўшкўпир туманимизда ҳам қатор саноат корхоналари қад ростлади. Натижада, туманимиздаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган кўплаб ёшлар иш билан банд бўлмоқда. Мени янада қувонтиргани, «Орландо», «Дамас» автомобилларининг Хоразмда йиғилаётганлиги бўлди. Қолаверса, Урганчда эксковатор ишлаб чиқарилмоқда. Насиб қилса, ўзбек автомобилсозлиги равнақига ўз ҳиссамни қўшаман.

Бу каби дил изҳорларини эшитиб, юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигига яна бир карра амин бўлдик.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

ТАЪЛИМ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Нукус коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида 384 нафар йигит-қиз сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси, нефт ва газ қудуқларини синаш техниги, кадастр иши инспектори, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник технологи, компютер ва компютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги йўналишларида таҳсил олмоқда.

Замонавий жиҳозланган ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, компютер ва мултимедиа воситалари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Қатор фан тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди.

Суратда: ўқувчи Муяссар Сотбоева.

ЎзА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

Тойлоқ педагогика коллежида маънавий-маърифий, спорт тадбирларига кенг ўрин берилмоқда.

ИШТИЁҚ БАЛАНД

— Ўтган ҳафтада спортнинг беш тури бўйича мусобақалар ташкил этдик, — дейди коллеж бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Диля Фофурова. — Унда уч юздан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Ҳафта доирасида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Ким эдигу — ким бўлдик?», «Мустақиллик инъом этган неъматлар», «Биз истиқлол умидларимиз» мавзуларидаги маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Айниқса, юқори курс ўқувчиларининг шашти баланд.

— Битирувчиларимиздан 8 нафари 24-умумтаълим мактабида амалиёт ўтмоқда, — дейди гуруҳ раҳбари Шерзод Усмонов. — Тажрибали муаллимлар қўл остида таҳсилни ташкил этиш, дарс жараёнларига кўмаклашувчи амалий тадбирлар тўғрисидаги билимлари мустаҳкамланаётир.

Саросиё қишлоғида яшовчи Баҳринисо Баҳодирова мазкур таълим муассасасининг учинчи босқич талабаси. У ўқув амалиётини яшаш жойига яқин бўлган 24-умумтаълим мактабида ўтаётганидан хурсанд.

— Олган билимларимни синовдан ўтказиш учун барча шарт-шароит бор, — дейди у. — Мактабда компютер, лингафон хоналари мавжуд, ўқувчилар маънавий оламини бойитадиган, уларнинг дунёқарашини ўстирадиган бир қатор тадбирларни режага киритганман. Уларни фаол ўқувчилар кўмагида амалга оширишга тараддуд кўраяпман.

Тойлоқ ва Ургут туманларида амалиёт ўтаётганлар бир ой мобайнида мактаблардаги таҳсил жараёнларида фаол қатнашиб, касб маҳоратларини оширишади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол берган имкон

Туризм — барқарор ривожланиш омили

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги фармойишига мувофиқ 1-3 октябр кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтади. Ушбу анжуманда жаҳон сайёҳлик индустриясининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи каби масалалар муҳокама қилинади. Унда Осиё, Европа, Америка ҳамда Африка қитъаларидан кўплаб олимлар, нуфузли халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, илмий марказлар ҳамда институтлар мутахассислари, экспертлар қатнашиши кутилмоқда. Анжуманда дунёнинг етакчи экспертларига жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги аҳволи ва истиқболлари хусусида тажриба алмашиш, бу борадаги янги тенденциялар, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш, янги имкониятларни намойиш этиш кўзда тутилган. Бу сессия жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги юксак салоҳияти билан кенг таништириш, етакчи компаниялар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро фикр алмашиш имконини ҳам беради.

I-ҚИСМ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан бир қаторда туризм соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда сайёҳлар оқими кўпайиб бораяпти. Жумладан, 2010 йилда 431000, 2011 йилда 463400 хорижий сайёҳлар юртимизга ташриф буюрган. Бугунги кунда мамлакатимизда беш юздан зиёд меҳмонхона, сайёҳлик компанияси ва кемпинглар, уч юздан ортиқ сайёҳлик компанияси фаолият юритмоқда. 2013 йилда сайёҳлик хизмат кўрсатиш 2012 йилга нисабатан 16 фоиз, хизматлар экспорти эса 20 фоиз ўсган. 2013 йилда мамлакатимизга 1 миллионга яқин турист ташриф буюрган, 2014-2015 йилларда эса 2 миллионга етказиш мўлжалланмоқда. Республикамизда туризм соҳасида ўртача 40 мингдан ортиқ киши банд.



Ушбу иқтисодий кўрсаткичлар туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни қанчалик муҳим эканлигидан дарак беради. Шунинг учун туристик оқимнинг муттасиллиги ва кенг кўламлигини таъминлаш мазкур соҳани барқарор ривожлантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

(Давоми 3-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 23-sentabr № 118 (3467)



Президентимиз раҳнамолигида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармон аёлларга кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Буни Фарғона вилояти Қўштепа туманида истиқомат қилаётган тикувчи Нигора Эргашева фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

У «Қоражийда» қишлоқ фуқаролар йиғини қошида тикувчилик цехи очиб, олти нафар қизни ишга жалб қилди. Айни пайтда ушбу мўъжаз цехда иш қизғин: қўли гул Нигора шогирдлари билан буюртма асосида мактаб ва коллеж ўқувчилари учун форма ҳамда махсус иш кийимлари тикиб бермоқда.

Суратларда: (ўнгдан) Нигора Эргашева шогирди Гулжаҳон Акбарова билан; тикувчи Мақсуда Алломова.

ЎзА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ
олган суратлар

«Пахта — 2014»

Бугун қай бир фермер хўжалигида бўлманг, далада ҳаёт қайнаётганлигига гувоҳ бўласиз. Деҳқону пахтакорларнинг беминнат ёрдамчилари — теримчиларнинг азму шижоати туфайли шартномавий режани адо этаётган фермер хўжаликлари сафи кун сайин ортиб бораётир.

ШАРОИТГА ЯРАША АЗМУ ШИЖОАТ

Балиқчи туманидаги Иброҳим Ортиқов раҳбарлик қилаётган «Ортиқ ҳожи-91» фермер хўжалиги миришкорлари учун жорий мавсум ҳар қачонгидан-да муваффақиятли келди. Балиқчи ҚФЙ ҳудудидаги Каттабулоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олпонназар Ҳакимов етакчи бўлган 107- отряд теримчилари етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатишди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40,8 центнерга тўғри келди. Тумандаги «О. Акмал», «Қўзибой Билтиров», «Водий нафосат диёр», «Абдурасул полвон ерлари» каби фермер хўжаликларида ҳам дастлабки марра эгалланди.

Мавсум олдидан тизимни янада мустаҳкамлаш мақсадида отряд таркибини тузиш, унга раҳбар ва ҳашарчиларни жалб қилишнинг вақтинчалик тартиби ишлаб чиқилди. Хусусан, фермерлар ҳамда ҳар бир терим отряди раҳбари ўртасида меҳнат шартномаси тузилди. Бу эса амалда бўлган меҳнат қонунчилиги талабларига тўла мос келади.

Туманда теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ҳар бир дала шийпонида тайёрланаётган таом сифати саноат уюшмалари назоратида. ҚВП ҳамшираларининг махсус сумкасида биринчи тиббий ёрдам учун керак бўладиган 30 турдан зиёд дори-дармон мужассам. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли актёр ва хонандалар, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими санъаткорлари шартнома режасини уддалаган хўжаликлар жонкуярликларини концерт дастурлари билан хушнуд этишяпти.


Ҳар иш кунида 100 килограммдан ошириб пахта терган теримчилар рағбатлантирилаяпти.

— Дастлабки беш кунликда 220 минг сўм иш ҳақи, 8 литр ўсимлик ёғи олдим, — дейди 107-отряд теримчиси Феруза Мўминова. — Очиғи, рағбат ва эътибордан ишга бўлган завқимиз ошмоқда.

Мавсумни ҳар томонлама муваффақиятли ўтказиш, теримчиларга меҳнат ва дам олиш шароитларини изчил яратиш масалаларига доимий эътибор муваффақиятлар омили бўлаётир.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Уйғоқ фикр



«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун ҳам бугун энг аввало барча ҳаракатларимизни, орзу-интилишларимизни ана шу йўл учун сафарбар этишимиз жоиз».

Муҳтарам Президентимиз томонидан айтилган дилни тўлқинлантирувчи ушбу сўзлар ҳар биримизга ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириб, уларни келгусида юртимиз равнақи учун муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашдек масъулиятни юклайди. Ўқитувчи — бамисоли боғбон. Боғбон яхши ният билан эккан дарахти ҳосилидан баҳраманд бўлиб, ўқитувчи таълим берган шогирди юрт равнақи учун хизмат қилаётганлигини кўриб қувонади.

Соғлом авлод — юрт таянчи

Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури доирасида амалга оширилаётган ижобий ишлар самараси ҳар жабҳада ўзини намоён этмоқда. Бугун билим оламан деган ёшлар учун барча илм масканлари эшиклари очиқ. Замонавий ўқув лабораторияси хоналарида фан сирларини эгаллаётган ўқувчиларни кўриб қувонасан, киши.

Дастур асосида қайтадан таъмирланган коллежимизда 540 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга билимли, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган устоз-мураббийлар сабоқ беришмоқда. Коллежда ҳамкор ташкилот вакиллари билан бир неча марта маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тарихсиз келажак йўқ. Юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан яқиндан таништириш мақсадида Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларига ўқувчиларнинг саёҳатлари ташкил этилди.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Сакқиз бўлимдан иборат маънавият хонаси зарур адабиётлар билан тўлдирилди. «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Ватанни севмоқ — иймондандур», «Авесто — маънавият зиёси», «Туркий қавмлар маънавияти», «Темурийлар даври маънавияти», «Қомусий маърифат ёғдуси», «Юрт истиқлоли учун курашганлар» каби бўлимларда мавзуга оид кўргазмалар ташкил этилган.

Ўқувчиларнинг тиббий маданиятини ошириш, ёш оилаларда соғлом ва фаровон турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни тарбиялаш мақсадида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» мавзуида 16 соатлик махсус курс малакали шифокор-педагог томонидан ўқитилиши таъминланди. «Соғлом бола йили» дастури асосида ўқувчилар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, касаба уюшма қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» танловида талабаларимизнинг ҳар жиҳатдан қобилиятли экани ўз тасдиғини топди. Шунингдек, «Энг ёш иқтидорли истеъмолчи — 2014» танловининг вилоят босқичида иштирок этган Раъно Хайруллаева диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. «Компютер ва компютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техникаси» йўналишида таълим олаётган Насиба Юсупова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан таъсис этилган стипендия соҳибаси бўлди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Маълумки, қиз бола тарбияси ўта нозик ва масъулиятли масала. Қизларни ҳаётга тайёрлаш нафақат ота-оналар, балки биз мураббийларнинг ҳам бурчимиздир. Коллежда «Ораста қизлар» тўгараги ташкил этилган бўлиб, унга Замира Ражабова раҳбарлик қилади. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Тоза қўллар — саломатлик гарови», «Сариштали уй — фариштали» мавзуларида ўтказилган танловларда Зилола Жалолова, Бахтинисо Турсунова, Нилуфар Негматовалар ғолиб чиқишди.

Ҳар бир киши бахтли бўлишга ҳақли. Зеро, биз мураббийларнинг асосий вазифамиз ҳар томонлама камолга етган, зукко, соғлом ёшларни тарбиялашдан иборат. Зеро, соғлом авлод — юрт таянчи ва айни вақтда улуғ мақсадларимиз асоси ҳамдир.

Фазлиддин СОҲИБОВ,
Китоб қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Моҳият

Истиқлол йилларида Тошкент шаҳрида улуғвор ишлар амалга оширилди. Замонавий ва миллий меъморчилик уйғунлашган бетакрор бино ва иншоотлар бунёд этилди, янги йўллар очилди, қатор кўчалар замон талаблари даражасида кенг ва равон йўсинга келтирилди. Кўркам боғлар ва майдонлар ташкил этилди.

Исми жисмига монанд

Яшнобод тумани янада гуллаб-яшнайди

Жумладан, Ҳамза туманининг қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Иқтисодий салоҳияти юксалиб, шаҳарнинг энг етакчи туманларидан бирига айланди.

Айни пайтда туман ҳудудида 3 мингга яқин корхона ва ташкилотлар, 2 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари, 200 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда Тошкент механика заводи, «Дон-маҳсулот», «Вагонтаъмир», «Ўзбекистон шампани», «Енгил металл конструкцияси», «Тошкентвино», «Подъёмник», «2-Темир-бетон маҳсулотлари», «Тошкент ёг-мой комбинати», «Нефтгазминерал» шўъба корхонаси каби ўнлаб корхоналарни эътироф этиш мумкин.

Шунингдек, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэнерготаъмир», «Ғалла-Алтег», «Ўзбек қоғози», «Тошкентгуруч» АЖ ва бошқа кўплаб қурилиш ташкилотлари; темир йўл транспорти корхоналари — тепловоз ва вагон деполари, Тошкент юк ортиш-тушириш темир йўл станциясини тилга олса бўлади. Кейинги йилларда ташкил қилинган «Фарм Гласс» Ўзбекистон-Британия, «Туфин» Ўзбекистон-Исроил, «Лок-Колор-Синтез» Ўзбекистон-Швейцария, «Хобас-Тапо» Ўзбекистон — Германия-Швейцария, «NWA» — Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналарида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Туманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 3 та илмий текшириш институти, 28 та умумтаълим мактаби, 41 та мактабгача тарбия ва 2 та боғча-мактаб муассасаси, 5 та мусиқа мактаби, 3 та ихтисослашган мактаб-интернат, 5 та касб-ҳунар коллежи, 2 та лицей, бизнес мактаби бор. 9 та касалхона ва 30 та поликлиника ҳамда амбулатория муассасаси, қон қуйиш станцияси фаолият кўрсатади. Аҳолига 58 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 176 та улгуржи савдо корхонаси, 3 та бозор, 361 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат қилади. 10 та жамоат кутубхонаси, 2 та кинотеатр, 2 та маданият саройи, 3 та маданият уйи, дам олиш зонаси, 1 та стадион, 46 та спорт зали, сузиш ҳавзаси, 116 та спорт майдончаси мавжуд.

Пойтахтда амалга оширилган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини туман номида акс эттириш мақсадида, «География объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ туман маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан Ҳамза тумани номини Яшнобод тумани деб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи киритилди.

Ушбу таклиф инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида туман номини Яшнобод тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пойтахтимизнинг кўркам туманларидан бири бундан буён ҳам равнақ топиши, ўз номига монанд-мос равишда янада гуллаб-яшнаши йўлида саъй-ҳаракатларимизни аямаймиз.

Илҳом ЭШМУРАДОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси ўринбосари

«Пахта — 2014»

Вобкент туманида бу йил 35 минг тонналик хирмон бунёд этилади. Ўзаро ҳамкорлик ва уюшқоқлик белгиланган тадбирлар муваффақиятини таъминлаяпти.

Хусусан, «Қўнғирот» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 27 та фермер хўжалигида 771 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш иштиёқи туфайли зафар дамлари тобора яқинлашмоқда.

ЯШАСИН КЎПЧИЛИК!

— Ҳар йили белгиланган шартномавий режани биринчилар қатори бажариб келаяпмиз, — дейди ҚФЙ раиси Рафиқ Қулиев. — Мавсум арафасида аксарият аҳоли томонидан йиғим-теримда иштирок этиш истаги билдирилди. Иш берувчи ва ёрдамчилар ўртасида меҳнат шартномалари имзоланиб, ҳақ тўлаш, меҳнат хавфсизлиги, теримчилар саломатлигини муҳофаза қилиш доимий назоратда. Меҳнатда ўрнак кўрсатганлар рағбатлантирилмоқда.

Кейинги йилларда фермерлар ўртасида фақат шартнома режасини бажариш эмас, балки юқори ҳосилдорликка эришишга асосий мезон сифатида қаралмоқда. Масалан, ўтган йили ҳосилдорликни 40 центнердан оширган 8 нафар фермер хўжалиги раҳбари имтиёзли равишда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомашиналарга эга бўлди. Бу йил ҳам 15 нафар фермер ана шундай мукофотга даъвогар.

— Фермерликни танлаб кам бўлмаяпмиз, — дейди «Бахшилло Назар Жобир» фермер хўжалиги раҳбари Бахшилло Абдуллаев. — Йил сайин даромад ошиб, турмушимиз фаровонлашиб бораяпти. Фарзандларимизни ўқитиб, тўйлар қилаяпмиз, замонавий уй-жойлар қуряпмиз. Оиламизда дастлаб «Волга-ГАЗ-31» бор эди. Ўтган йили юқори пахта ҳосилдорлигига эришганимиз учун «Дамас» автомашинасига сазовор бўлдик. Жорий мавсумда 33,2 гектардаги пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиб «Каптива»га эришиш ниятидамиз.

Шунингдек, ҚФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Бошмурод саховати», «Рустамов Тошпўлат Ғаффорович», «Нурхон Бобохон» фермер хўжаликларида ҳам теримчиларга қулай шарт-шароит яратилганлиги туфайли ҳар куни режага нисбатан 7-8 фоиздан пахта топширилмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

Пахта йиғим-терими мавсуми бошланганига ҳеч қанча бўлмасдан, давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ошиғи билан адо этишга муваффақ бўлаётган фермер хўжаликлари анчагина. Навоий вилоятининг «Ўртачўл» массивида деҳқончилик қилаётган ўнлаб фермер хўжаликлари бунга мисол бўла олади. Ҳудуддаги «Валиобод», «Қурбон Латиф», «Бирдамлик» каби фермер хўжаликлари биринчи теримдаёқ режани 108-130 фоизга етказишди.

Яқинда вилоят ва тумандаги мутасадди идоралар вакиллари «Ўртачўл» массиви фермер хўжаликлари далаларида бўлиб, соҳа фидойиларини муборакбод этишди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Валиевага гилам туҳфа қилинди. Қолган хўжаликларга ҳам касаба уюшмалари совғалари топширилди.

Бирлашма ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси ҳамкорлигида йиғим-терим мавсумида теримчиларга яратилган шарт-шароитлар доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Бир ўлкаки...

Сурхондарё вилояти маркази —Термиз шаҳрига мустақиллик ўзгача қиёфа бахш этди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Пастқам уйлар ўрнида кўп қаватли бинолар қад кўтарди. Шаҳар йўллари кенгайтирилиб, аҳоли учун қулайликлар яратилди. Ташкил этилаётган янги-янги хиёбонлар, гулзорлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Термиз чирой очмоқда

Кўҳна ва навқирон Термизни бугун чинакамига қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Кўриб кўзинг қувнайди... Шу десангиз, эски меъморий услубда қурилган «Барчиной» деҳқон бозори талабга жавоб бермай қолганди. Бугун унинг ўрнига замонавий услубда «Деҳқон» бозори барпо этилмоқда. Янги бозорни тиклаш учун 12,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Қурилиш ишлари ТИФ «Миллий банк» ва «Турон банк» ажратаётган кредитлар ҳисобига амалга оширилади. Айни пайтда бозор қурилишини «Тўпалангсувгэсқурилиш» МЧЖ таркибидаги «Тўпалангқурилишмонтаж» бошқармаси бунёдкорлари амалга оширмоқда. Тажрибали қурувчи Файзулла Асадов раҳбарлик қилаётган бошқарма ишчилари қисқа фурсатда 40 фоиздан ортиқ юмушларни бажаришди. Қурувчилар сардорининг таъкидлашича, бўлажак бозорда 660 ўринли савдо растаси ва 400 та автомобил тўхташ жойи бунёд этилади.

«Фестивал» майдонида эса буюм бозори қурилиши бошланди. 225 ўринли савдо растасига эга бўладиган бу бозорда сотувчи-ю харидорлар учун барча қулайлик яратилади. Бунинг учун 20,5 миллиард сўмлик қурилишмонтаж ишлари бажарилиши кўзга тутилган. Қурилиш харажатларининг бир қисми «Ипотека банк» кредити ҳисобига бўлса, тенг ярми тадбиркорлардан ихтиёрий равишда тўпланадиган маблағ ҳисобидандир. Қурилиш ишларини «Термизтезкорқурилиш» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш бошқармаси аъзолари бажаришмоқда. Лойиҳага кўра, қурувчилар буюм бозори ёнида мижозлар ва харидорларга ҳар томонлама қулай бўлиши учун мини банк биносини ҳам бунёд этадилар. Термиз шаҳрини ободонлаштириш ва кўркамлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ишбилармон Ҳайитали Алламуродов ташаббуси билан «Турон» маҳалласи ҳудудида маҳалла гузари барпо этилаётир. Бу жойда тикув цехи, гўзаллик салони кабилар қурилади. Муҳими, маҳалладаги 30 нафар киши муқим иш жойига эга бўлади.

«Термиз Бақтрия савдо» МЧЖ қўллаб-қувватлаши туфайли «Термизтезкорқурилиш» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари шаҳарнинг 5-кичик даҳаси ҳудудида 53 хонадонга мўлжалланган уч қаватли 2 та уй қурилишини ниҳоясига етказишмоқда. Ушбу уйларнинг биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатадиган 12 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилади. Қурувчилар уйларни йил охиригача фойдаланишга топшириш ниятида.

Термиз шаҳридаги ўзгаришлардан яна бири, бу собиқ «Баҳор» кинотеатрини қайта реконструкция қилиш йўли билан барпо этилаётган «Ёшлар» марказидир. Шу кунгача 7 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж, жиҳозлаш ишлари бажарилди. «Ғаффор» хусусий фирмаси бунёдкорлари томонидан, шунингдек, 408 ўринли кинозал, компютер саводхонлиги, шахмат-шашка, ёш дизайнерлар тўгараги, «Ёш тадбиркор», «Фаол ва иқтидорли ёшлар», «Ёш ижодкорлар», «Ёш оила ва саломатлик» марказлари, йиғилишлар зали ҳамда бинонинг ташқи томонида қаҳвахона барпо этилади. Амалга оширилаётган бунёдкорликлар замирида ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар кўнгилларга сурур бахш этади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Jshonch
2014-yil 23-sentabr № 118 (3467)

Туризм — барқарор ривожланиш омили

«Чет эл туризми республика иқтисодиётининг етакчи тармоғига, унинг валюта тушумларини тўлдирадиган муҳим манбага айланиб бормоқда. Шу сабабли шинам меҳмонхоналар, кемпинглар қурилишини бундан буён ҳам амалга ошираверириш, туризмнинг ривожланган инфраструктурасини шакллантириш, сайёҳлар борадиган жойларни обод қилиш билан ҳам шуғулланавериш керак. Миллий-тарихий ва маданият ёдгорликларини таъмирлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса ажнабий сайёҳларни жалб этиш учунгина эмас, балки халқ қадриятларини қайта тиклаш, ёш авлодни тарбиялашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга».

Ислом КАРИМОВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Туризм – бу аҳолига хизмат кўрсатувчи йирик тармоқ бўлиб, у одамлар эҳтиёжини қондириш учун турли товарлар ва хизмат турларидан фойдаланиш имконини берадиган ўзига хос иқтисодий соҳадир. Туристик хизмат ўз табиатига кўра ташиб бўлмаслик хусусияти билан ажралиб туради. Туристик бозорлар икки — келгинди ва узатиш турларига бўлинади. Шу боис туризм бевосита фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш жойида соҳага оид ишлаб чиқариш қувватларини ва инфратузилмани ривожлантириш заруриятини туғдиради.

Ҳозирги кунда туристик бизнес дунё бўйича кенг тараққий этган тармоқлардан бирига айланди. У энди дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, ўзида сиёсий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий манфаатларни ҳам акс эттирмоқда.

Туризмдан олинадиган фойда тадбиркорларни янги йўналишлар, ҳудудлар, унутилган маданиятлар устида илмий ишланмаларни амалга оширишга ундаётир.

Қанчалик кўп хизматлар амалга оширилса, туризмнинг ҳудуд иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришдаги ўрни ва нуфузи ҳам шунчалик ортиб бораверади.

Туризмнинг хўжалик фаолияти, энг аввало, кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, у авваламбор ҳозирги замон жамиятини ривожлантиришга хос специфик алоқаларни ифодалайди.

Туризм кишиларни жисмоний, маънавий ва психологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида универсал имкониятларга эга. Бу эса жамият ишлаб чиқаришига бевосита таъсир этади. Инсон соғлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳамма нарса муҳим, табиийки, қтисодий жиҳатдан ҳам фойдали ҳисобланади. Соҳа ривожи аҳоли турмуш даражасини оширади, қўшимча иш ўринларини яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

II-ҚИСМ

Кўпгина мамлакатлар учун туризм тез ривожланаётган соҳага айланган бўлиб, масалан, товар ва хизматлар экспортидан келадиган даромадларда туризмнинг ҳиссаси Испанияда — 60 фоиз, Австрияда — 40 фоиз, Швейцарияда — 80 фоизни ташкил этади.

Халқаро туризмнинг муҳим жиҳати шуки, бу соҳага сарфланган капитал қўйилмалар чет эл валютаси сифатида қайтиб келади. Ўз иқтисодий моҳиятига кўра чет эл туризми маълум мамлакатга вақтинча ташриф буюрганлар учун моддий ва маданий бойликлар, товар ва хизматларнинг чет эл валютасида алоҳида кўринишли истеъмоли ҳисобланади.

Шунинг учун чет эл туризми «кўринмас экспорт» деб ҳам айтилади. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда туризм соҳасида дунёдаги ишчи кучининг 8 фоизи банд бўлиб, бу соҳага барча инвестицияларнинг 7 фоизи, истеъмол харажатларининг 11 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи, хизматлар савдосининг учдан бир қисми тўғри келади. Айрим мамлакатлар учун туризмдан тушадиган даромадлар амалда ягона ёки ҳал қилувчи манбадир.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) эълон қилган маълумотларда кўрсатилишича, 2001 йилда дунёда 689 миллион сайёҳ қайд этилган. Мутахассислар таҳлилларига кўра, бу кўрсаткич 2020 йилда 1,3 миллиардга етади. Шунингдек, туризм дунё соф миллий маҳсулотининг 6 фоизини, яъни инвестицияларнинг 7 фоизини, иш жойларининг 6,5 фоизини, ялпи даромаднинг 8 фоизини ташкил этади. Туризм экспорти нефт ва автомобил саноатларидан кейин учинчи ўринда турибди. 2012 йилда дунё бўйича бир йилда туризмдан келадиган даромад 1,5 трилион доллардан иборат бўлди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотига кўра, 2012 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 9 фоизини туризмдан тушган тушум ташкил қилган.

«Ушбу рақамлар туризм иқтисодий юксалишнинг муҳим катализатори, экспорт ҳажмини ошириш ва иш жойлари ташкил этиш, умуман, социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий таркибий қисми эканлигини яна бир карра тасдиқлайди», дейди Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи.

Дарҳақиқат, туризм хорижий валюталарни кенг жалб этиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва шулар ҳисобига аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қолаверса, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш каби ўта муҳим масалаларнинг ижобий ечим топишида алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, туризм нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий, экологик аҳамиятга молик соҳадир. У инсон дунёқарашини кенгайтириб, ҳаёт мазмуни ҳақидаги таассуротларини бойитади, халқлар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топишига самарали таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг юксалишида хизматлар соҳасининг ўз ўрни бор. XX аср ўрталарида жаҳон иқтисодиёти таркибида туб ўзгаришлар содир бўлди. Авваллари бирор давлатнинг иқтисодий мавқеи унинг асосан саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожи билан белгиланган бўлса, эндиликда етакчи мамлакатларда хизматлар соҳаси муҳим ўрин эгалламоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 80-йиллари хизматлар соҳаси жаҳон иқтисодий ЯИМнинг 64 фоизини ташкил этган. Жаҳон савдо ташкилоти таснифига кўра, хизматларнинг 600 дан ортиқ турли хил кўринишлари мавжуд. Бунда туризмнинг ўрни аҳамиятли бўлиб, кўплаб мамлакатларда туризм бюджетни тўлдирувчи илғор ўринга чиқиб олган. Масалан, Испания туризм соҳасида Европадаги етакчи мамлакатлардан бирига айланган ва ушбу соҳадан олаётган даромади бўйича Европада биринчи, кўрсатилаётган хизматлар бўйича Францияда кейин иккинчи ўринда туради. Испанияда ҳар 5,4 ишчидан бири туризм соҳасида хизмат кўрсатади. Аммо, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Европа мамлакатларига, шу жумладан, Испанияга ҳам салбий таъсир кўрсатди ва туризмдан тушаётган даромад камайишда давом этмоқда.

Хитой ялпи миллий маҳсулотининг 34 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Ялпи миллий маҳсулотнинг 28 фоизини ижтимоий хизматлар берадиган бўлса, 6 фоизи транспорт ва алоқа соҳаларига тегишли. Хитойда иш билан банд бўлган аҳолининг 10 фоизи, яъни 65 миллиондан ортиқ киши хизматлар соҳасида ишлаб, улар мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 34 фоизини бермоқда, бунда туризмнинг ўрни аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, қадимий маданий-меъморий ёдгорликлари сайёҳларни ҳамиша ўзига чорлаб келган. Лекин собиқ иттифоқ даврида ташқи мамлакатлар билан туристик алоқалар ва бу билан боғлиқ маблағ марказ ихтиёрида бўлганлиги сабабли республика иқтисодиёти ундан унча наф кўрмасди. Натижада туризм иши ўлкада жаҳон андозалари даражасига кўтарилмай, ташкилий жиҳатдан орқада қолган эди. Мустақилликка эришилганидан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. 1992 йилда тузилган «Ўзбектуризм» миллий компанияси Ўзбекистонда сайёҳликнинг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини шакллантириб, жаҳон андозаларига мувофиқ келадиган сайёҳлик тизими таркиб топди. 1993 йил Бали (Индонезия) шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеяси 10-сессиясида «Ўзбектуризм» миллий компанияси Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинди.

1994 йил октябрида Тошкент ва Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича халқаро йиғилиш бўлиб, унда Ўзбекистон мазкур қадимий йўналиш маркази деб белгиланди.

1995 йилда Тошкентда БМТ ва ЮНЕСКО раҳбарлигида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро семинари ўтказилди. Самарқанддаги Регистон майдонида бўлиб ўтган сайёр мажлисда «Ипак йўли» сайёҳлик маршрути халқаро лойиҳасини ривожлантирувчи мамлакатларнинг декларацияси қабул қилинди. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти семинарининг мантиқий давоми сифатида 1995 йилнинг октябрида Тошкентда «Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат» биринчи халқаро сайёҳлик ярмаркаси ташкил этилди.

Айни пайтда «Ўзбектуризм» халқаро даражада лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда. У йирик халқаро туристик биржаларда — Лондон, Берлин, Милан, Москва ярмаркаларида Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти «Ипак йўли»га бағишланган семинарларида қатнашиб келмоқда.

Греция, Миср, Испания, Исроил, Япония сайёҳлик вазирликлари билан ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартномаларга мувофиқ ушбу мамлакатларга туризм ва меҳмонхона менежменти, туризм соҳасининг бошқа йўналишлари бўйича тажриба алмашиш, малака ошириш учун тузилма бўлинмалари ходимлари жўнатилмоқда. Ҳар йили кўплаб халқаро ярмаркалар ўтказилмоқда. 1995 йилнинг октябрида Тошкентда илк бор «Ипак йўли бўйлаб саёҳат» халқаро ярмаркаси ташкил этилди. Унда 33 мамлакатдан келган туристик ташкилотларнинг 100 дан ортиқ вакили қатнашди, 2001 йилда 46 мамлакатдан 150 та туристик вакил иштирок этди. Бундай ярмаркалар мунтазам ўтказиб келинаяпти.

Президентимизнинг истиқболга қаратилган, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини босқичма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган изчил сиёсати, жумладан, туризм соҳасида ҳам ўз самараларини бера бошлади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар йили қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига фақат Европа мамлакатларидан ташриф буюриш ниятида бўлган сайёҳлар сони 10 миллионга етиб қоляпти. Ҳамма гап туризм соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш, юқори даражали меҳмонхоналар, ресторанлар қуриб, уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишга боғлиқ. Бу борада эса ўтган қисқа вақтда катта муваффақиятларга эришилди, дейиш мумкин. Бунга пойтахтимизда қад ростлаган меҳмонхоналар ёрқин мисол.

Мамлакатимиздаги туристик инфратузилмалар ҳозирги пайтда йилига 2 млн. сайёҳга хизмат кўрсатиш имкониятига эга ва ундан келадиган умумий тушум миқдори 700 млн. сўм бўлиб, ялпи миллий маҳсулотдаги улуши — 2,2 фоизни, ялпи тушумларнинг эса 3,8 фоизини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тўққиз юздан зиёд сайёҳлик ташкилотлари, жумладан, 430 меҳмонхона, 530 дан ортиқ туристик компаниялар фаолият юритаяпти.

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

III-ҚИСМ

Бугунги кунда ўзбек туризмининг бош вазифаси чет эл сармоясини имкон қадар кўпроқ жалб этиш бўлиб, бунинг учун Ўзбекистон сармоя қўйиш борасида энг қулай ва энг ишончли ҳамкор эканлигига ишонтириш ва буни исботлаб бериш тақозо этилади.

Бинобарин, туризмга сарф қилинган маблағ бошқа соҳаларга қараганда ўзини тезроқ қоплайди. Бироқ туризм фақат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи, бизнес ва фойда олиш манбаигина бўлиб қолмай, у ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, яхши қўшничиликка, турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари билан кенг кўламда танишишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ва минтақавий саёҳатни ривожлантиришда: қулай географик жойлашуви, табиий иқлим шароитининг ранг-баранглиги, цивилизация тарихида муносиб ўринга эгалиги, бебаҳо тарихий архитектура экзотикаси билан ажралиб туриши, юқори сифатли таъмга эга бўлган мева ва полиз маҳсулотларига мўллиги ва албатта, ўз анъаналарини, урф-одатларини сақлаб қолган меҳмондўст ва хушмуомала халқи туфайли кенг имкониятларга эга. Буларнинг ҳаммаси чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.


Кези келганда сайёҳликнинг тарихий ва археологик турларидан ташқари, кейинги йилларда экологик туризм Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида кенг ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Экологик туризм Зомин, Чимён, Чортоқ, Бўстонлиқ ҳудудларининг диққатга сазовор жойларида яхши йўлга қўйилган.


2007-2013 йилларда экотуризмдан ва соғломлаштириш оромгоҳларидан келган тушум республикамизда барча туризмдан тушган тушумнинг ўртача 15-16 фоизини ташкил қилди ва бир қанча янги иш жойларини яратишга олиб келди.

Муҳими, туризм ривожлангани сайин соҳа учун етук ва малакали кадрлар етказиб бериш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан 1999 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Халқаро туризм» факултети очилди ва кейинги йилларда республиканинг қатор шаҳарлари — Тошкент, Бухоро, Қарши, Самарқанд ва бошқа ҳудудларда туризм касб-ҳунар коллежлари фаолиятини бошлади. Масалан, пойтахтимизда 2002 йилда Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизида Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 мартдаги Қарори билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди. Самарқанддаги Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида туристик фирмалар ва меҳмонхоналар учун кадрлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилди.

АҚШ, Испания, Хитой, Австрия, Швейцария, Греция, Мексика каби мамлакатлар тажрибасини қўллаш Ўзбекистон туризмини ривожлантиришда ўз самарасини бериши мумкин. Шунингдек, нафақат туристик ресурслар, балки илғор давлатлар технологиясини қўллаш ҳам янги имкониятларни юзага келтиради. Сабаби, республикамизнинг четдан кўплаб сайёҳларни қабул қилиш салоҳияти Испания, Хитой каби давлатларга жуда ўхшаб кетади. Бизда ҳам тарихий обидалар кўп, хушманзара ва маданий ҳордиқ дам олиш жойларининг сони ҳам етарли.











Сайёҳлик соҳасида АҚШ орттирган тажриба беқиёсдир. Бу ерда туризм ўзининг кўлами бўйича дунё мамлакатлари орасида учинчи ўринда, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича иккинчи ўринда туради. АҚШда «туризм — ҳамманинг бизнеси» деган ақида одатий ҳолга айланган. Картошка етиштирувчи фермер ёки қўлсочиқ ишлаб чиқарувчи саноат корхонасининг оддий ишчиси ҳам «Мен туризм учун ишлаяпман» дейди. Чунки, охир-оқибат ҳар иккисининг маҳсулоти туристлар эҳтиёжига хизмат қилади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: мамлакатга туристларни қандай жалб қилиш мумкин? Бунинг асосий воситаларидан бири турли анжуманлар, кўргазмалар, фестивалларни ташкил этишдир.

АҚШлик туризм соҳасидаги мутахассис, Ғарбий Нью-Йорк меҳмонхонаси ассоциацияси президенти Теодор Холликвистнинг фикрича, туристик хизмат кўрсатиш фирмаларида қуйидаги хислатлар бўлса, ушбу фирманинг келажаги порлоқдир. Булар — бирлик, профессионализм, ҳалоллик, тадбиркорлик, дўстлик ва журъат.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юртимизда кейинги йилларда туризм ва туристик хизматлар соҳасига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёни фаоллашди. Шу туфайли жами меҳмонхоналар 1993 йилда 98 та бўлган бўлса, 2014 йилга келиб, 430 тага етди.

Маълумки, туристик тармоқ ривожининг асосини моддий-техника базаси, унинг жиҳозланганлиги ташкил этади. Демак, туризмнинг кейинги ривожи, кишиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатининг ошиши кўп жиҳатдан ишбилармонлик ва омилкорликка боғлиқ. Кўпчилик давлатларда туризмнинг ривожланиши давлат томонидан қилинадиган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилади. Бизнинг республикамизда давлат капитал қўйилмаларидан ташқари, чет эл инвестициялари, маҳаллий ҳамда хусусий тадбиркорларнинг маблағларини ҳам жалб этиш мумкин.

Хорижий сармоялар киритишнинг устувор йўналишларидан яна бири, бу транспорт, телекоммуникация, ахборот хизмати кўрсатиш ва туристик сервисни ўз ичига олувчи замонавий туризм инфратузилмасини яратишдир.

Бюджетга валюта тушиши ҳисобига туризм иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожига ижобий таъсир қилади, ҳудудлар инфратузилмаси, янги иш жойлари яратиш, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини тиклаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат хазинасига туризмдан тушган валюта ҳажми ва янги иш ўринларининг ташкил топиши турли қўшимча хизматларнинг кенгайиши билан боғлиқ. Агар асосий хизматлар туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматларини ҳам ўз ичига олса, қўшимча хизматлар туристик хизмат самарадорлигини янада оширишга қаратилган бўлади. Жумладан, сувенир савдо шохобчаларини, миллий санъат буюмларини сотишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Туристик фаолият давомида туристларга қўшимча хизмат кўрсатиш (улар ёдгорликлар сотиб олади ва шахсий эҳтиёжларини қондиради) ҳисобига ҳам даромад олинмоқда. Тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, ҳар бир хорижлик турист республикага ташрифи давомида ўртача 1000 АҚШ доллари миқдорида даромад келтиради. Шундан 35-40 фоизи туристик хизматлар қийматини ташкил этади. Қолганлари қўшимча хизматлар учун чиқимдир.

Туризм умумий иқтисодий ўсишга, кам ривожланган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Яхши ривожланган ҳудудларда туристик марказлар очиш кўпгина давлатларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Тоғ ва қишлоқ жойларида туристик марказнинг ташкил қилиниши шу жойларнинг ўзлаштирилишига, аҳоли турмуш шароитининг яхшиланишига ёрдам беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришда ҳар бир ҳудудга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Масалан, «Бўстонлиқ — Ўзбекистоннинг Швейцарияси» деган таърифга эга бўлган Тошкент вилоятида сайёҳлик соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 500 га яқин маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти археологик топилмалар бўлса, 30 дан ортиғи йирик меъморий обидалар ва монументал санъат ёдгорликларидир. Сайёҳлик йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари қарийб 100 та, жумладан 19 та меҳмонхона, 9 та ихтисослаштирилган дам олиш маскани, 3 та пансионат, 22 та сиҳатгоҳ, 50 дан ортиқ соғломлаштириш ва дам олиш масканларида 2013 йилда 20 миллиард сўмдан зиёд сайёҳлик хизмати кўрсатилди. Бу кўрсаткичлар вилоятда сайёҳлик соҳасининг муттасил ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистонда сайёҳлик салоҳиятини янада оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорига кўра, вилоятда туризмни ривожлантириш учун икки юзга яқин лойиҳа амалга оширилади, 24 та меҳмонхона янгитдан қурилади, 4 та меҳмонхона қайта таъмирланади. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ янги турдаги туристик хизматлар ташкил этилади. Бу хайрли ишларни амалга ошириш учун 86,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бу каби кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши Хоразм вилоятида туризмнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Бу тажриба биз учун янгилик эмас. Самарқандда бир пайтлар бор-йўғи 2-3 меҳмонхона ҳамда 5-6 та туристик фирма бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, миллий ва замонавий услубларда қурилган, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган 90 га яқин меҳмонхона, 155 та туристик фирма сайёҳларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Натижада, туристлар оқими йилдан-йилга ўртача 10-15 фоиз ўсиб бормоқда.

Шу ўринда ушбу шаҳарга 2013 йилда ташриф буюрган ХХР Раиси Си Цзиньпин сўзларини эслайлик-а: — «Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.»

2014 йилнинг октябр ойида Самарқанд шаҳри БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгашининг 99-мажлисига мезбонлик қилади. Ана шунинг ўзи ҳам шаҳарнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ошиб бораётганидан дарак беради.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Талеб Рифаи мустақилликнинг 23 йиллик байрами куни арафасида «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервюсида шундай деди:

— Ўзбекистонга амалга оширган сафарларим чоғида мамлакат ҳукумати ва шахсан Президент Ислом Каримов томонидан ўзбек халқининг маданий-тарихий ҳамда маънавий бойликларини тиклашга қаратилаётган улкан эътибор гувоҳига айландим... Туризм Ўзбекистон келажаги ва равнақининг энг муҳим пойдеворларидан бири бўлишига қатъий ишонаман... Тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистон етакчи давлатга айлангани ҳолда, ўзининг инсоният тарихида муносиб ўринга эга бўлган беқиёс маданий меросини бутун жаҳонга намоён этмоқда.

Бахтиёр УСМОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори в.б.
Турғун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг фахрий доктори,
Тўлқин РАСУЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири,
и.ф.д., профессор.

Ishonch
2014-yil 23-sentabr № 118 (3467)

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ИЗЛАНУВЧАН МУАЛЛИМА

Бухоро шаҳридаги 29-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Мамлакат Абдуллаевани кўпчилик меҳрибон ва изланувчан устоз сифатида ҳурмат қилади.

30 йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган М.Абдуллаеванинг дарслари қизиқарли ва ҳаётий мисолларга бойлиги билан ўқувчиларни ўзига жалб этади.

Суратда: Мамлакат Абдуллаева ўқувчилари билан машғулот пайтида.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Йилнинг энг яхши мактаб директори» кўрик-танлови ўтказилди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари ғолиблари иштирок этди.

Танловда қатнашчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, таълим соҳасида яратилаётган имконият ва шароитлардан оқилона фойдалана олиши, дарс машғулотларини таҳлил этиш, педагогик кенгашга тайёргарлик кўриш, «Келажак мактаби» концепцияси асосида тақдимот ўтказиш каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ ДИРЕКТОРИ

— Мактабимизда ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, фанларни ўзлаштириши, давомати доимий назорат этиб борилади, — дейди Нукус шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби директори Нурлибек Қдирниязов. — Ушбу танлов педагогик жамоанинг имкониятларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш, уларнинг касб маҳорати ва билимини ошириб бориш, тажрибасини бойитиш, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини тобора кучайтиришга доир янгидан-янги иш тажрибаларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Танлов якунида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

ЎзА

XVII ёзги Осиё ўйинлари

Инчеон шаҳрида Осиё олимпия кенгашининг 33-Бош Ассамблеяси ўтказилди. Унда Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) президенти Томас Бах, Осиё олимпия кенгаши (ООК) раҳбари Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал Сабоҳ, шунингдек, Осиё олимпия кенгашига аъзо мамлакатлар миллий олимпия қўмиталари президентлари иштирок этди.

Юксак эътироф... қўшимчасига медаллар

ООК раҳбари Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал Сабоҳ барчани XVII ёзги Осиё ўйинларининг бошлангани билан самимий муборакбод этди ва ташкилий қўмитага мусобақаларни юқори савияда ташкил этганлиги учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг, Осиё олимпия кенгаши раҳбари қитъада Олимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболли режалар хусусида атрофлича тўхталди.

Ассамблеяда иштирок этган ХОҚ президенти Томас Бах ўз нутқида Осиё олимпия кенгашини дунёда Олимпия ҳаракати, ғояларини фаол тарғиб этаётган ташкилот сифатида тилга олиб, бунга мисол сифатида қитъада мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган ёзги ва қишки Осиё ва ПараОсиё ўйинлари, шунингдек, қитъа миқёсида ташкил этилаётган қатор йирик спорт мусобақаларини таъкидлаб ўтди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси Осиёда олимпия ҳаракатини энг фаол қўллаб-қувватлаётган МОҚ сифатида эътироф этилди. Осиё олимпия кенгашининг олий мукофотини Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах ҳамда Осиё олимпия кенгаши раҳбари Аҳмад ал-Фаҳад ал Сабоҳ Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Мираброр Усмоновга тантанали суратда топширди.

Бу мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали келажагимиз эгалари ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, юртимизда йирик спорт мусобақаларининг юксак савияда ташкил этилаётгани ва мардоновор спортчиларимиз томонидан халқаро спорт ареналарида қўлга киритилаётган муваффақиятларга берилган яна бир юқори баҳодир.

***

XVII ёзги Осиё ўйинларида биринчи кун ўтказилган мусобақаларда делегациямиз ҳисобига дастлабки медал келтирилди.

Оғир атлетика бўйича вазни 48 кг.гача бўлган хотин-қизлар мусобақасида ҳамюртимиз Маҳлиё Тоғаева даст кўтаришда 85 кг., силтаб кўтаришда эса 106 кг., иккикураш якунларига кўра жами 187 кг. тошни ўзига бўйсундириб, Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди.

— Албатта, бундай йирик спорт ўйинларида делегациямиз ҳисобига биринчи бўлиб медал келтирганимдан жуда ҳам хурсандман, — деди Маҳлиё Тоғаева. — Мусобақалар кучли рақобат остида кечди. Ҳатто Олимпия ўйинларида совриндор бўлган спортчилар ҳам якунда медалсиз қолишди. Ҳар қандай спорт турида янгидан-янги номларнинг кашф этилиши ўша спорт турининг фақат ривожи учун хизмат қилади. Аслида, кучли рақобат остида курашиш ҳар бир спортчига завқ бағишлайди. Бугунги мусобақалар, ўйлайманки, мухлисларга ҳам манзур бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, бўлажак мусобақаларда барча юртдошларимизга омад ва зафарлар тиламоқчиман.

Ушбу мусобақаларда кумуш медалга сазовор бўлган ҳиндистонлик Агустиани Шри Уанюни ҳам умумий 187 кг. натижани қайд этди. Маълумки, оғир атлетика спорт турида бундай вазиятда қай бир спортчининг вазни енгилроқ бўлса, ўша спортчига имтиёз берилади. Ҳиндистон вакиласи 200 грамм енгил эканлиги маълум қилинди ва унга кумуш медал топширилди. Осиё ўйинлари ғолиблиги эса қозоғистонлик Маргарита Елесеевага насиб этди. Маргарита даст кўтаришда 88 кг., силтаб кўтаришда 106 кг. натижани қайд этди.

***

Дзюдо бўйича 90 кг.гача бўлган вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган полвонимиз Дилшод Чориев нимчорак финалда иорданиялик Иброҳим Ҳалафни мағлуб этди. Чорак финалда қозоғистонлик Тимур Болат таслим этилди. Ярим финалда эса мўғулистонлик спортчи Отгонбаатар Лкхагвасурен доғда қолдирилди.

Ҳамюртимиз финалда япониялик Юя Ёшида билан куч синашди ва ғазнамизга дастлабки кумуш медални келтирди.

Мусобақанинг мутлақ вазнида иштирок этган Абдулла Тангриев учинчи ўрин учун баҳсда қирғизистонлик Юрий Краковескини мағлубиятга учратди.

Полвонимиз бунгача сингапурлик Ху Хан Бунни енгган бўлса, мезбонлар вакили Ким Сунг Минга имкониятни бой бериб қўйди. Шундан сўнг қозоғистонлик Ержан Шинкевни мағлубиятга учратиб, бронза медали учун курашиш имкониятини қўлга киритган дзюдочимиз Қирғизистон терма жамоаси вакили Юрий Краковескини «Иппон» баҳоси билан таслим этди.

100 кг.гача бўлган вазн тоифасида татамига чиққан тажрибали полвонимиз Рамзиддин Саидов хитойлик ва қирғизистонлик полвонни мағлубиятга учратган бўлса, ярим финалда мўғулистонлик Наидан Тувшинбаярга имкониятни бой бериб қўйди. Бронза медали учун кечган баҳсда покистонлик Шоҳ Ҳусайнни мағлубиятга учратган Рамзиддин Саидов бронза медал билан тақдирланди.

Дзюдочимиз Мирзоҳид Фармонов (-66 кг.) ҳам совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

Тажрибали полвонимиз дастлаб саралаш босқичида Сулаймон Ҳамад (Саудия Арабистони) ва Сонг Чол Хён (КХДР) устидан ғалаба қозониб, ярим финалда япониялик Томофуми Такажога имкониятни бой берди. Осиё ўйинларининг бронза медали учун Тожикистон вакили Расул Абдушарипов билан кечган баҳсда ҳамюртимиз муддатдан аввал соф ғалабага эришди.

***

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси «В» гуруҳидаги учинчи учрашувини Афғонистонга қарши ўтказди.

Қизғин кечган баҳс якунига кўра 5:0 ҳисоби қайд этилди. Голларга Егор Кримец (6-дақиқа), Воҳид Шодиев (42, 90+1) Фарруҳ Сайфиев (50), Игор Сергеев (86) муаллифлик қилди. Жамоамиз 7 очко жамғарган ҳолда гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритди.

Энди вакилларимиз кейинги босқичда «А» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Саудия Арабистони термасига рўбарў келади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Бувимнинг ўгитлари

ТАРВУЗ ШАРБАТИ

Қишнинг совуқ кунларида тарвуз шарбати жонга роҳат бағишлайди. Аммо бунга ҳозирдан замин яратиш лозим. Уни тайёрлаш учун тарвузни иккига бўлиб, мағзи ажратиб олинади. Ёғоч қошиқ билан яхшилаб эзиб, элакдан ўтказиб, икки қават докада сузилади. Шарбат қайнатилади. Устидаги кўпиклари олиниб, совутилади. Бу ҳол шарбат 7-8 марта камайгунча такрорланади. Сўнг 1 кг. тарвуз мағзига 2 қошиқ асал қўшилади. Шарбат ликопча устига томизилганда оқиб кетмаса, тайёр бўлганини билдиради.

Қизил рангли, хушбўй шарбатни банкага жойлаб, қопқоғи ёпилади. Қишда бир стакан қайнатиб, совутилган сувга бир қошиқ шарбат солиб ичсангиз, роҳат қиласиз.

КОНСЕРВАЛАШ СИРИ

Консервалаш учун ишлатиладиган шиша банка ва темир қопқоқларни стериллаб олиш зарур.

***

Сабзавотларни тузлаш учун фойдаланиладиган идиш шиша, ёғоч ёки пластмасса бўлиши мумкин.

***

Эмал ва сопол идишлар фойдаланишдан аввал ош содаси эритмасида ювилиб, қайноқ сувда чайилади.

***

Компот, мураббо тайёрлаш учун унча пишиб кетмаган сархил, қаттиқ ва лат емаган мева танланади. Шарбат, соус, жем тайёрлашда, аксинча, пишиб етилган мевалар яхши.

***

Мевалар уч турга сараланади: йирик, ўрта ва майда. Негаки, йириклари пишгунча майда мевалар пишиб, эзилиб кетади.

***

Мева ва сабзавотлар консервалганда 10-15 кун назоратда туриши шарт. Унинг ташқи кўринишига қараб сифати аниқланади.

***

Агар консерваларда сал ўзгариш сезилса, қопқоғи кўтарилиб, ранги ўзгарса, уларни шу вақтнинг ўзида очиш керак. Консервадан ёқимсиз ҳид келиб, ранги хиралашса, ҳеч иккиланмай ташлаб юборинг.

ҚИЗГИНА, ЁДИНГДА ТУТ!

Балиқни сут, тухум, даштда яшайдиган ҳайвон гўшти билан истеъмол қилманг. Одам тузалиши оғир ва узоқ давом этадиган касалликка дучор бўлади.

***

Товуқ гўшти сут, қатиқ, айрон билан ейилса, қуланж дардини чақиради. Тез-тез истеъмол қилинса, бавосил, подагра хасталигига дучор қилади.

***

Мебел янгилигида оёқларига яхшилаб шам суртилса, сурилганда полни қирмайди.

***

Лакланган оёқ кийими сутга, сўнг тухум оқига ботирилган фланел латта билан артилса, янгидай ярқираб кетади.

***

Биллур идишларни асло ош содасига ювманг, хиралашади. Улар иссиқ сувга бироз сирка аралаштириб ювилса, янада ялтираб, жилоланади.

***

Тухум оқига бир чимдим туз ёки қаймоқ қўшсангиз, яхши кўпиради.

***

Палтонинг ёқаси кир бўлса, аввал сувга яхшилаб намлаб, сўнг новшадил спирти ботирилган чўтка билан ишқаланг. Кейин намланган дока билан икки-уч марта артинг. Дока қўйиб дазмолланг. Киридан асар ҳам қолмайди.

***

Пойабзални янгилигида сирка эритмасида артинг, оёқни урмайди.

Қундуз СУЛТОНОВА тайёрлади

Семинар

Тошкент шаҳрида ташкил этилган икки кунлик республика илмий-амалий семинари «Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари»га бағишланди.

Соҳа муҳокамаси

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари ходимлари, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Жаҳон тиллари университетининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Илмий-амалий семинарда «Миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари», «Ахборот - коммуникация технологияларини ахборот соҳасига жорий этиш – медиа-тузилма фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг асосий омили», «Интернет-ОАВ учун тайёрланаётган кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари ва уларни ҳал этиш усуллари», «Онлайн режимидаги журналистика: тараққиётнинг янги уфқлари» мавзуидаги маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбир жараёнида кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий ахборот–коммуникация соҳасининг жадал ривожланаётгани таъкидланди. Айниқса, интернет тизими тобора такомиллашмоқда. Хусусан, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган комплекс дастур бевосита ушбу соҳа равнақига хизмат қилаётир. Агар 2010 йилнинг февраль ойида миллий интернет маконида ўн мингинчи веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, бугунги келиб ушбу рақам 18300 тага етганлигининг ўзи ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Айни пайтда интернет- ОАВ ҳам фаол тараққий топмоқда. Бугунги кунда 270 та оммавий ахборот воситаси ўз веб-сайтлари орқали аҳолига ахборий-таҳлилий хизмат кўрсатмоқда. Ушбу веб-сайтлардан ҳар ойда ўртача 821 минг киши фойдаланмоқда. Интернет тизимига кирувчилар умумий сони 11 миллиондан ошди.

Шунингдек, семинарда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ўзбек тилидаги интернет нашрларини ҳамда онлайн-интернет тизимини келгусида янада ривожлантириш истиқболлари, замонавий тизимда фаолият кўрсатадиган журналистларнинг касб маҳоратини ошириш хусусида ҳам фикр алмашилди.

Шаҳризода ҒУЛОМНАЗАРОВА

Миннатдорлик

Бу дунёда эзгу амалларгина қолади, дейишади. Дарҳақиқат, инсон чин умри савобга йўғрилган ҳаёти, ўзгаларнинг унинг ҳақига қилган дуоси билан ўлчанади. Атрофимда қалби эзгуликка лиммо-лим юртдошларимни кўриб, умид чироғим янада равшан тортади.

Умид чироғи равшанлашди

Ҳаёт... Инсон ўз бошига нималар тушишини олдиндан билмайди. Икки нафар фарзандимиз бор. Хонадонимиз соҳиби Абдурасул Майсаидов 2007 йилдан Тепақўрғон ҚВП мудири сифатида кўпчиликнинг дардига дармон бўлиб, элнинг дуосини олиб улгурганлардан. Аммо 2011 йилдан дард аталмиш азоб уни тўшакка михлади. 2012 йилда 2-гуруҳ ногиронлигини олди. 2013 йил 15 декабридан эса батамом оёқдан қолди. Дард берган эгам шифосини ҳам ўзи беради, дея умидимизни узмадик. Шукрки, ҳозир анча яхши, соғлиги тикланиб бормоқда. Бу, албатта, фидойи, тажрибали шифокорларнинг заҳматли меҳнатлари самараси.

Яқинда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида муолажа олишга тўғри келди. Ташхис жудаям оғир, бир-бирини инкор қилувчи уч турдаги касаллик: жигар циррозининг вирусли (класс В субкомпенсация) ҳолати - асцит; ўнг ўпка сили, қандли диабет. Ўта нозик ёндашув талаб этиладиган шундай ҳолатда марказнинг тажрибали шифокорлари бизни ҳам руҳан, ҳам тиббиёт нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлашди. Жумладан, гастроэнтерология бўлими врачи Абдуллажон Мамажонов бизга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, имтиёзлардан унумли фойдаланишимизда йўл-йўриқ кўрсатиб, катта ёрдам қилди. Натижада, тиббиёт препаратларини харид қилишда, ётоқ жой билан таъминланишда устувор имтиёзлар бизни ортиқча ташвишлардан ҳоли қилди.

Шунингдек, марказ бош врачи Толибжон Собиров қонун доирасидаги имтиёзлардан унумли фойдаланишимизда бошқош бўлди. Хўжайинимнинг оёққа туришига муносиб ҳисса қўшган тиббиёт ходимларига газета саҳифалари орқали миннатдорчилигимни етказишни истардим. Азиз шифокорлар, кўрсатган яхшилигингиз умид чироқларимизни янгилагандек бўлди. Бизга берган меҳрингиз, ҳаётга бўлган муҳаббат ва талпиниш туйғулари учун оиламиз номидан самимий дуолар йўллаймиз.

Узоқ вақт бемор даволатиш ташвишини бошидан кечирган ҳар қандай инсон, ўйлайманки, бизни яхши тушунади. Бугун мени яхшиларнинг яхшилиги адл тутиб турибди, турмуш ўртоғим эса шу умидлар сабаб ҳаёт учун курашмоқда.

Сўзим ниҳоясида бизни доимий равишда қувватлаб, ҳолимиздан хабар олиб турган Поп туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Мунаввархон Эргашева, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ғуломжон Олимов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қизил Ярим Ой» жамиятларининг туман бўлимлари, Исковут ҚВП, Халқобод-3 МФЙ мутасаддиларига ҳам оиламизга қилган яхшиликлари ўзларига эзгулик бўлиб қайтишини тилаб қоламан.

Меҳридарё инсонлар орасида яшаш, уларга муносиб яхшилик қайтариш бизга ҳам насиб қилишига ишонамиз. Бундай ёруғ кунларга умидни сизнинг фидойилигингиз ҳадя этмоқда Ҳамиша бор бўлинг, яхшилар!

Маҳлиё ТОШНАЗАРОВА, Наманган вилояти Поп тумани Халқобод шаҳарчасида истиқомат қилувчи уй бекаси

Газетанинг навбатдаги сони 27 сентябр, шанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.20
Topshirildi -21.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 915 | 13972 nusxada bosildi | 1 2 3 4